

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
ОАКда 2022 йил якунлари бўйича амалга
оширилган ишлар натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Молиявий-иктисодий қўрсаткичларнинг бажарилиши. 2022 йил якунлари бўйича бюджет смета харожатлари 2797,3 млн. сўм (2021 йилга нисбатан 121%) миқдорида тасдиқланиб, тўлиқ молиялаштирилди ва маблағлар мақсадли ўзлаштирилди. ОАК бўйича иш ҳақи тасдиқланган смета харожатлари асосида 1967,2 млн. сўм (116%) миқдорида молиялаштирилиб, тўловлар тўлиқ амалга оширилди. Иш ҳақи ва нафақалар бўйича тўловлар тўлиқ амалга оширилди.

2. Самарадорлик қўрсаткичлари. Ҳисобот даврида самарадорлик қўрсаткичлари илмий даражалар бўйича **103,7** фоиз ва илмий унвонлар бўйича **102,9** фоиз даражасида бажарилди. Шу даврда **3175** нафар талабгор илмий даражаларда (фан доктори (DSc) – 409, фалсафа доктори (PhD) – 2766) ҳамда **2117** нафар талабгор илмий унвонларда (профессор – 408, доцент – 1548) тасдиқланди.

3. Рақамлаштириш. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ва давлат хизматини қўрсатишдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ҳамда “Илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича давлат намунасидаги ҳужжатларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини қўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

4. Инвестиция дастурининг бажарилиши. Инвестиция дастури йўқ.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, қўрсатмалари ва Вазирлар Маҳкамаси қарори ва топшириқларининг ижроси тъминланди, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ва ПФ-113-сон 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон фармонлари ижроси бўйича:

Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ва давлат хизматини қўрсатишдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан Норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали (ID 61300) келишилган, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (<https://regulation.gov.uz/uz/d/62184>) жамоатчилик муҳокамасига (ID 62184) жойлаштирилган. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ва давлат хизматини қўрсатишдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди (25.06.2022 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари қўрсатии инфратузилмасини такомиллаш-

тириши ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиши имкониятларини кенгайтириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси бўйича олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва соҳага оид аттестация жараёнларини давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизими билан интеграциялашни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражалар ва илмий унвонлар бўйича давлат намунасидаги ҳужжатларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали (ID 59520) келишилди ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (<https://regulation.gov.uz/uz/d/61180>) жамоатчилик муҳокамасига (ID 61180) жойлаштирилди. Мазкур қарор лойиҳаси хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилди (30.06.2022 й.); лойиҳаси ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди (25.06.2022 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№13, 31.01.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Фармон билан тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш мақсадида ишчи гурӯҳи таркиби тасдиқланди.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ОАК ўз ваколати доирасида тааллуқлилиги бўйича, жумладан уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш, соҳада фаолият кўрсатадиган илмий муассасалар ва уруғчилик хўжаликлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш бўйича меъёрий-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишида мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли илмий-ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, Давлат дастурида белгиланган давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида ташкил этиладиган турли оммавий спорт тадбирларида имкониятдан келиб чиқкан ҳолда ОАК ходимлари иштирокини таъминлаш бўйича ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси сейсмик хавфсизлигини таъминлаши тизимини тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144-сон Фармони ижроси юзасидан буйруқ имзоланиб (№52, 31.05.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ишчи гурӯҳи таркиби тасдиқланди.

ОАК Раёсатининг 2022 йил 30 июндаги 319/5-сон қарори билан: 1) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги 01.02.03-«Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси» ва 05.09.02-«Асослар, пойдевор ва ер ости иншоатлари. Кўприк ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар» ихтисосликлари негизида «Геотехника» ихтисослиги

(физика-метематика фанлари, техника фанлари) тасдиқланиб, мазкур ихтисослик олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 05.09.02 рақами билан киритилди (05.09.02 – «Геотехника» (физика-метематика фанлари, техника фанлари)); 2) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 05.10.03 – «Сейсмик хавфсизлик» (техника фанлари) ихтисослиги киритилди. ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан 5 та илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2022 йил 3 ноябрь, №ПҚ-414) билан тасдиқланган 6-иловаси “2022-2025 йилларда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)нинг 1.1 ва 1.2-бандлари ҳамда 7-иловаси “Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини янада такомиллаштириш дастури”нинг 6.2-банди ижроси таъминланди: жумладан: 6-иловасининг 1.1-банди бўйича: мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) бўйича институтнинг илмий салоҳияти даражасини оширишга услубий ва илмий-ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида ОАК Раёсатининг қарори билан (1.02.2022 й., №311/2) Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти хузурида PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилди; 6-иловасининг 1.2-банди бўйича: мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) бўйича жорий йил давомида 9 та фалсафа доктори диссертациялари (PhD) ҳимояси ташкил қилиниб, 5 нафар мутахассис илмий даражада тасдиқланди, 2 нафар талабгорнинг диссертация ҳимояси амалга оширилди ва 2 нафар изланувчининг диссертация ҳимоясини ташкил қилиш учун илмий кенгашга ҳужжатлари қабул қилинди; 7-иловасининг 6.2-банди бўйича: «Спортда илмий тадқиқотлар» журнали ОАК Раёсатининг 15.12.2022 йилдаги 328-сон қарори билан “Диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати”га киритилиб, ОАК веб-сайти <https://oak.uz/pages/4802> бўлимида жойлаштирилди. Тегишли маълумотлар Спорт ишлари вазирлигига тақдим этилди (15.12.2022 й., №01-08/2819).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини таъсис этиши тўғрисида”ги фармонининг (2022 йил 8 ноябрь. №ПФ-243) ижроси юзасидан Олий атtestация комиссиясининг икки нафар ходими С.Зулунов, М.Масайдова ва А.Юсупов “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирландилар. 2022 йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигига ҳамда Олий атtestация комиссиясида эсдалик нишонларини тантанали топшириш маросими ўтказилди. <https://oak.uz/pages/11755>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек имо-ишора тили ва брайль алифбосини ривожлантириши бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг (2022 йил 20 октябрь, №ПҚ-407) 6.1.3 ва 6.1.1-банлари ижроси таъминланди, жумладан:

ОАК расмий веб-сайтида заиф кўрувчи фойдаланувчилар учун қўйидаги имкониятлар яратилган: веб-сайтнинг юқори панел қисмида веб-сайт контентини оқ-қора режимга ўтказиш/қайтариш имконияти яратитилди (<https://oak.uz>): веб-сайтнинг юқори панел қисмида веб-сайт матнларни катталаштириш / нормаллаштириш / кичиклаштириш имконияти яратилди (<https://oak.uz>): веб-сайтдаги матнларни белгилаган ҳолда экран диктори ёрдамида эшлиши имконияти яратилди (<https://oak.uz>):

NVDA компьютер экранини сунъий овоз синтезатори ҳосиласи ёрдамида ўқишига мўлжалланган дастур ўрнатилди (14.12.2022 й., 10-хона). Мазкур дастур Мусаев Дилшод Аскарджанович томонидан синовдан ўтказилди. NVDA компьютер экранини сунъий овоз синтезатори ҳосиласи ёрдамида ўқишига мўлжалланган дастур кўзи ожизларни компьютерда барча матнларни ва барча маълумотларни мурожаатчига овоз тариқасида етказиб бериш имкониятини беради. Маълумот учун: Д.Мусаев жорий йилнинг 3 декабрь куни “Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашда педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича “Кўришида нуқсони бўлган ўқувчиларда география ўқитишини такомиллаштириш технологияси (8-синф мисолида)” мавзусидаги (13.00.03-“махсус педагогик) диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган “Илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даража тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш” лойиҳаси ижросини сифатли ва муддатида бажарилишини таъминлаш юзасидан ОАК бўйича 23.08.2022 йилдаги 65-сонли бўйруқ асосида чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Лойиҳанинг 1-босқичи (2022 йил ноябрь) “Лойиҳаолди ўрганишларни амалга ошириш ва маълумотларни таҳлил қилиш” бўйича режалаштирилган тадбирларнинг ижроси тўлиқ таъминланди, жумладан: а) илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даража тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш юзасидан мавжуд (ўхшаш) ахборот тизимларини ўрганиш амалга оширилди; б) йўналиш бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ишлари услубий-техник жиҳатдан ўрганиб чиқилди; в) ахборот тизимини ишлаб чиқишида хорижий тажриба таҳлил қилинди; г) тизимда иштирок этувчи объект маълумотлари таҳлилига кўра илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги фаолият очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, маълумотларни фойдаланувчига қулай ва содда кўринишида етказиб бериш юзасидан аниқ ёндашувлар шакллантирилди. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича ўрганишлар ва маълумотларни таҳлил қилишга кўра илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даража тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимини яратиш концепциясига асос яратиб берилди. “Илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даража тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот

тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш” лойиҳасининг 2, ва 3-босқичлари ижроси муддатида таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2022 йил 7 май, №ПҚ-237) 12.1-банди ижроси таъминланди, жумладан: 1) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тегишли хат киритилиб (13.12.2022 й., №01-14/2806), унда университет ҳузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузиш юзасидан услубий ёрдам сифатида қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт фанлари ва экология ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларда тасдиқланган мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар базаси тақдим этилди (жами 103 нафар). 2) Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 декабрдаги 07/34-9346-сонли мурожаатига асосан ОАК Раёсатининг 2022 йил 15 декабрдаги 328-сон қарори билан Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳузурида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/15.12.2022.I.155.01 рақамли илмий кенгаш тузилиб, унинг 15 нафар аъзодан иборат таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори (2022 йил 7 май, №ПҚ-237) 12.1-банди ижроси юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тегишли маълумот киритилди (15.12.2022 й., №01-08/2824).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-221-сон “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривоҷлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№42; 29.04.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Қарор 2-иловаси билан тасдиқланган “Йўл харитаси” 21-банди ижроси, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан кўчирмачиликка (плагиат) қарши аёвсиз курашиш мақсадида зарурий чора-тадбирларни мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширишга ОАК Бosh илмий котиби (А.Шермуҳамедов) ва Рақамлаштириш бўйича раис ўринbosари (ж/а) (З.Таджиходжаев) масъул этиб белгиланди. Топшириқ ижроси бўйича муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан кўчирмачиликка (плагиат) қарши аёвсиз курашиш мақсадида зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда таълим тизимининг барча бўғинлари ва босқичларида ёш авлодни ўзганинг интеллектуал фаолияти натижаларига хурмат билан қараш руҳида тарбиялаш; таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг топшириқларни бир-бираидан кўчиришнинг (плагиатнинг) олдини олишга қаратилган замонавий ёндашувларни амалиётга жорий қилиш; ўқувчи-талабаларнинг назорат ишлари, битирув ишлари, илмий ва бошқа ишлар бўйича кўчирмачиликни (плагиатни) аниқлашга қаратилган дастур ёрдамида мунтазам текшириш тартибини жорий қилиш; илмий ишлар ва диссертацияларни ҳимоя қилишда ва ундан олдинги барча босқичларда кўчирмачиликка (плагиатга) қарши экспертизадан ўтказиш тартибларини такомиллаштириш; кўчирмачиликка (плагиатга) йўл қўйган шахсларга нисбатан бундай хатти-харакатларни тақорламасликлари учун таъсирчан чоралар кўришларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқишида ОАК ўз ваколати доирасида мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли ишларни амалга ошироқда. Бир вақтнинг

ўзида матнни бир қанча тилларга (ўзбек, рус, инглиз ва ҳ.к.) таржима қилган ҳолда плагиат ҳолатини аниқлаш имконини берувчи янги дастурй таъминот амалиётга жорий қилинди. Мазкур масала бўйича тегишли таклифлар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этилди (9.09.2022 й., №01-1/2066);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиши механизмларини таомиллаштириши ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ОАК бўйича буйруқ имзоланиб (№45; 12.05.2022 й.), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича “Е-Антикоррупция” лойиҳасининг ишга туширилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинди. 2022 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб тегишли маълумотларнинг ушбу тизимга киритилиб борилиши таъминланди. ОАКда вакант лавозимларни эълон қилишдан тоғтиб, танлов ўtkазиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш; таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш; кадрларга оид иш юритиш ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда фақат тизим орқали электрон шаклда қабул қилиш ва юритиш; ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш; кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил ПҚ-330-сон 2022 йил 22 июлдаги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияуниверситети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича буйруқ имзоланди (25.07.2022 й., №60), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш мақсадида қўйидаги таркибда ишчи гуруҳи тасдиқланди. Ишчи гуруҳи томонидан мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини ижрога масъул манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда муддатида бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига илмий кенгашлар таркибини шакллантириш ва фаолиятини ташкил қилиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди (8.08.2022 й., №01-08/1770);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон “2022-2023 йилларда АҚТ соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича буйруқ имзоланди (24.08.2022 й., №68), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даражада тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур қарорнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш мақсадида раиснинг рақамлаштириш бўйича ўринбосари ҳар ой ҳисобот ойидан кейинги

ойнинг 5-санасига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган «йўл хариталари», лойиҳалар ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисботни «NIS.UZ» идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимиға киритиб боришни таъминлаши ташкил қилинди. Илмий даражалар берувчи мустақил илмий кенгашлардаги илмий даражада тасдиқланганлигини мониторинг қилиш бўйича ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш юзасидан лойиҳа олди ўрганишларни амалга ошириш ва маълумотларни таҳлил қилиш ишлари ташкил қилинди. Мазкур тадбир асосида лойиҳани босқичма-босқич жорий этиш ва электрон ҳукумат билан интеграция қилиши ташкил этилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 августандаги 458-сон қарори “Атроф муҳит ва табиатини муҳофаза қилиши технологиялари илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича буйруқ имзоланди (19.08.2022 й., №64), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти илмий салоҳиятини ошириш юзасидан илмий-ташкилий ва маълумотлар базаси бўйича амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси сўровига асосан заруратга кўра ўрнатилган тартибда Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августандаги 469-сон “Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини ягона базада саклаши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаши хақида” қарори ижроси бўйича буйруқ имзоланди (25.07.2022 й., №60), чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида бўлган фан докторлик (DSc) ва фалсафа докторлик (PhD) диссертацияларини электрон нусхаларини ўз вақтида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига етказиш ўз муддатида ташкил этилмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги 199-Ф фармойиши ижроси бўйича буйруқ имзоланди ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Фармойиш ижроси юзасидан 2022 йилнинг 30 апрель куни “Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги” ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарининг ўтказилиши муносабати билан мазкур хайрия ҳашарини ташкил этиш бўйича ОАКда Ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилиб, муайян вазифалар масъул ходимларга юқлатилди. Жорий йилнинг 30 апрель куни ҳашар ташкил этилиб, ҳудудни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. ОАК ходимларининг ўз хоҳишига биноан бир кунлик иш ҳақи Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фондига 1 163 643 сўм микдоридаги маблағ ўтказилди.

6. *Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилиб, юқори ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланди ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилди.*

Ҳисобот даврида тегишли ҳужжатларда ОАКга юклатилган вазифаларнинг ижроси 100% таъминланди.

Шу даврда юқори ташкилотлардан **159** (314 та, 51%) та ҳужжат келиб тушиб, белгиланган топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг **98** (288 та, 34%) та жумладан **5** (11 та, 46%) та оғзаки ҳамда **93** (277 та, 34%) та ёзма мурожаатлари ҳисобга олинди. Барча мурожаатларга ўз вақтида жавоб берилди.

7. Соҳадаги муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар.

Мавжуд муаммолар: 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ-447-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш; 2) аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.

Уларни бартараф этиши юзасидан таклифлар: 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ва қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш; 2) диссертациялар сифати ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш юзасидан низом талабларига тўла риоя қилинишини ташкил қилиш.

2023 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар.

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, топшириқлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш; 2) Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид низомларнинг янги таҳрири лойиҳасини тасдиқлашни ташкил қилиб, амалиётга жорий қилиш; 3) Аттестация талабларининг ягоналигини таъминлаш.